

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛАМОВ ИЛҲОМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ ТАРИХИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Гуламов Илҳомжон Комилжонович**

XIX аср охири – XX асрнинг 30-йиллари Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тарихи.....3

**Гуламов Илҳомжон Комилжонович**

История мероприятий по проведению переписи населения в Узбекистане в конце XIX – 30-х годах XX вв.....25

**Gulamov Ilkhomjon Komiljonovich**

The history of the population census in Uzbekistan in the late XIX and 30s of the XX century.....45

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛАМОВ ИЛҲОМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ ТАРИХИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tag457 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Худаяров Уктам Журакулович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tag.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 09 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-кават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 08 куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)



**Ў.М.Мавлонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, уринбосари, т.ф.д., профессор

**Б.Б.Хайназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д. (PhD), профессор

**Н.У.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсининг барча мамлакатларида аҳоли сони, инсон омили ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш тўғрисидаги статистик маълумотлар ҳар бир давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида статистика тўғрисидаги қонунлар мавжуд бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида жисмоний шахслардан олинган маълумотлардан фақатгина статистик мақсадларда фойдаланиш, жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатда истиқомат қилаётган фуқаролар, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва уларнинг уй-жойлари ҳақида тўлиқ маълумот беришни кўзда тутди. Бугунги кунда БМТ фаолиятида ҳам жамият сиёсий ҳаётини рағбатлантириш, демократик сайловларни ўтказиш, давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тақсимлаш ишларида эса аҳолини рўйхатга олишнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари, уларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ишлари, мазкур тадбирларнинг ўтказилиш тарихи, аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг демографик вазиятга таъсири, рўйхатга олиш жараёнларининг хусусиятлари каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, рўйхатга олиш тадбирларини жаҳон мамлакатларида мунтазам ўтказиб борилиши орқали инсон омили ва унинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, этнодемографик жараёнларни ўрганиш, миграция ва эмиграция ҳамда аҳоли сони динамикаси тўғрисида аниқ маълумотлар олиш ҳамда уларни мос равишда давлат манзилли чора-тадбир дастурларини ишлаб чиқиш, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ҳар 5 йилда мунтазам ўтказиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда аҳоли фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар олиш, давлатнинг барқарор ривожланиш миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, улар асосида аҳолининг сони, жинси, оилавий аҳоли, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, демографик жиҳатдан тавсифлаш орқали ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ушбу ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида “аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш статистикани шакллантиришда асосий манба экани ва бу жараёнга ҳозирдан тайёргарлик кўриш<sup>1</sup>” долзарб масалалардан бири сифатида белгиланди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси мунтазам равишда ўсиб бораётганлиги ва аҳоли тўғрисидаги барча маълумотларни жамлаш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш, унинг ўтмишдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари” бўйича ўтказилган йиғилишдаги нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/statistika-tizimi-khal-aro-standartlarga-muvofi-lashtiriladi-01-06-2020>

тарихини тадқиқ этиш ҳамда бу йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартдаги ЎРҚ-611-сон “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмига қадар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига бағишлаб нашр этилган адабиётлар ҳамда мавзуга доир олиб борилган тадқиқот ишларини даврий ва услубий ёндашув жиҳатдан тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: биринчиси – Россия империяси даврида яратилган адабиётлар; иккинчиси – совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар; учинчиси – мустақиллик йилларида нашр қилинган ишлар; тўртинчиси – хорижий муаллифлар яратган асарлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари юзасидан яратилган бир қатор асарлар<sup>2</sup>, статистик тўпламлар<sup>3</sup> алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур нашрлар ҳамда

<sup>2</sup> Гирс Ф. Отчет о состоянии Туркестанского края. Спб. 1888; Пландовский В. Народная перепись. – Москва, 1898; Пален К. Проложения к отчету ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть I. Отд. 4. – СПб., 1911; Лабочевский В. Хивинский район. – Ташкент, 1912; Лыкошин Н. Путь жизни в Туркестань. Очерки быта туземного населения. – Петроград: Колокольная 14, 1916.

<sup>3</sup> Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. Общий сводъ по империи результатовъ разработки данных первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 года. Том I. – С.Петербург, 1905; Первая всеобщая перепись Российской империи 1897 года. Ферганской области. – Ташкент, 1899; Справочная книга Самаркандской области. 1902 г. Изд. Самаркандской области. Статистическая Комитета. Секретаря Статистического комитета М. Вирского, Вып. VII. Тип. – Самаркандъ: Товарищества, 1902; Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское населения Ферганской области по материалам переписи 1917 г; Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск VII. Сельское население Сирдаринской области по материалам переписи 1917 г.

статистик тўпламларда келтирилган маълумотларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг ўтказилиши, унинг мақсад ва вазифалари қолаверса, 1897 йили Туркистонда ўтказилган дастлабки тадбирнинг якуний натижалари тўғрисида ҳудудлар кесимида кўплаб маълумотлар ҳамда статистик рақамлар берилди.

Иккинчи гуруҳга совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда яратилган адабиётлар<sup>4</sup>, мавзуга оид статистик тўпламларни<sup>5</sup>, иқтисодчи, географ, демографлар томонидан XX аср 60-80 йиллар давомида нашр этилган қатор адабиётлар<sup>6</sup> ва тарихчилар томонидан яратилган асарларни<sup>7</sup> киритиш мумкин. Ушбу илмий тадқиқот ишлари орқали мазкур даврда ҳудудларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тўғрисида маълум даражада тасаввурга эга бўлиш мумкин. Жумладан, ҳудудлардаги аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш, ўлим ҳолатлари сони<sup>8</sup>, миграция ва ҳудудлардаги аҳоли сони бўйича тафовутлар ҳамда аҳоли миллий таркиби<sup>9</sup> каби масалаларга алоҳида аҳамият берилган.

---

<sup>4</sup> Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области. – Москва: Туркестанской отдель, 1921; Игнатъева К. Статистический справочник по Самаркандской области. – Самарканд: Издание Самаркандского областного исполнительного комитета, 1924; Зарубин И. Население Самаркандской области его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 год, дополненной другими источниками). – Ленинград, 1926; Тим Е. Опыт изучения естественного движения населения в кишлаках. – Ташкент, 1935; Пустоход П., Воблий В. Переписи населения. – Москва: Государственное социально-экономическое издательство, 1936; Воробьев Н. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Редакционно-издательское управление В/О “СОЮЗОРГУЧЕТ”. – Москва, 1938 ва б.

<sup>5</sup> Материалы Всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. – Ташкент: Издания ЦСУ Туркеспублики, 1923; Поселенное итога. Выпуск II. Поселенное итога Аму-Дарьинской области. – Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1923; Статистический ежегодник 1917-1923 гг. Том I-II. – Ташкент: Издание ТЭС, 1924; Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том I-XV. Узбекская ССР. – Москва: Издания ЦСУ Союза ССР, 1928; Всесоюзная перепись населения 1937 года. Краткие итоги. – Москва, 1991.

<sup>6</sup> Муллажонов И. Народонаселение Узбекской ССР. – Ташкент, 1967; Шу муаллиф: Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, 1967; Ахмедов Е., Файзиев Ҳ. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. – Тошкент: Фан, 1970; Ата-Мирзаев О. Аҳолининг ортиқча кўпайиб кетиш ҳавфи борми? – Тошкент: Ўзбекистон, 1971; Муллажанов И., Вароновский Ю., Цепковская Т. Населения Узбекской ССР. – Ташкент, 1973; Ата-Мирзаев О. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации. – Ташкент: Фан, 1979; Солиев А. Население Средней Азии. – Ташкент, 1982; Ата-Мирзаев О., Салимов Х. Некоторые аспекты развития народонаселения республик Средней Азии. Народонаселения СССР и мира: развития, проблемы, исследования. – Москва: Статистика, 1983; Қорахонов М., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг демографик муаммолари ва аҳоли географияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984; Максакова Л. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1989 ва б.

<sup>7</sup> Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1960; Кармышева Б. Истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана. – Москва: Наука, 1964; Исмоилов А. Динамика численности сельского населения и населенных пунктов Амударинского области. Проблемы народонаселения: Труды всесоюзной межвузовской научной конференции, посвященной проблемам народонаселения Средней Азии (Ташкент, сентябрь 1965 г.) – Москва: МГУ, 1970; Иноғомов Ш. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Узбекской ССР. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984 ва б.

<sup>8</sup> Муллажонов И. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, 1967; Муллажанов И., Вароновский Ю., Цепковская Т. Населения Узбекской ССР. – Ташкент, 1973 ва б.

<sup>9</sup> Ата-Мирзаев О., Салимов Х. Некоторые аспекты развития народонаселения республик Средней Азии. Народонаселения СССР и мира: развития, проблемы, исследования. – Москва: Статистика, 1983; Қорахонов М., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг демографик муаммолари ва аҳоли географияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984 ва б.

Тадқиқотнинг учинчи гуруҳига мустақилик йиллари аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг у ёки бу жиҳатларини ёритувчи адабиётлар<sup>10</sup>, мавзуга оид тадқиқотлар<sup>11</sup> киритилди. Мустақиллик йилларида бажарилган илмий изланишларда тадқиқ этилаётган муаммонинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига оид айрим масалалар қисман ёритилган. Бу даврда олиб борилган тадқиқот ишларида асосан аҳоли сони ўсиб бориш динамикаси, демография тарихи<sup>12</sup>, миграция, аҳолининг кундалик турмуш тарзи, аҳоли бандлиги каби масалаларга кўпроқ урғу берилган.

Тўртинчи гуруҳга хорижий давлатларда олиб борилган тадқиқотлар киритилган бўлиб, жумладан, Россия Федерациясида олиб борилган тадқиқотлар<sup>13</sup>, АҚШ ва Европа иттифоқининг турли давлатларида олиб борилган мавзуга доир илмий изланишларни<sup>14</sup> ва қозоғистонлик олимларнинг тадқиқот ишларини<sup>15</sup> ҳамда бир қатор мақолаларни<sup>16</sup> киритиш

<sup>10</sup> Бўриева М. Рождаемость в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1991; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1995; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент, 1997; Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования. – Ташкент, 2001; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002; Муртазаева Р. Миллатлараро тотувлик – бағрикенглик ва таракқиёт омили. – Тошкент: Академия, 2005; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019 ва б.

<sup>11</sup> Бабаджанова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941-1990 йй.). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2008; Махкамова Н. Ўзбекистон ҳудудида жамият ижтимоий тузилмаси: анъаналар ва трансформациялар (XIX аср охири - XX асрнинг 30-йиллари). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2009; Ботирова Б. Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати (1926-1941 йй.). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2010; Исаков Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми - 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2010; Саипова К. История Народного комиссариата по национальным делам Туркестанской АССР (1918-1924 гг.) Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2011; Рахматуллаев Х. Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси. Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 2013; Тожиева З. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари. География. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2017; Худаяров Ў. Совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар тарихи (1925-1991 йй.). Тарих фан. фал. доктори. (PhD) дисс. – Тошкент, 2020 ва б.

<sup>12</sup> Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011.

<sup>13</sup> Андреев Е., Дарский Л., Харьковская Т. Население Советского Союза. – Москва, 1993; Кваши А., Ионцева В. Современная демография. – Москва: МГУ, 1995; Жиромская В. Всесоюзная перепись населения 1939 года. Основные итоги. – Москва, 1999; Жиромская В., Киселев И., Поляков Ю. Полвека под грифом “секретно”: Всесоюзная перепись населения 1937 г. – Москва, 2007; Абашин С. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии (“проблема сартов” в XIX начале XX века). Дисс. докт. ист. наук. – Москва, 2008; Пьянкова А. Традиционные и альтернативные методы проведения переписей населения. Дисс. Канд. Соис. Наук. – Москва, 2014.

<sup>14</sup> Sauvy A. The population of the Union Sovietique. Situation, croissance et problemes actuels. Population, 1956; Caselli G., Vallin J., Wunsch G. Demographie: analyse et synthese. I. La dynamique des populations. – Paris: INED, 2001; Karl G. Public numbers and the Victorian state: The General Register Office, the census, and statistics in nineteenth-century Britain. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in History. University of California, 2004; Kaat L. Statistics or state-istics? An anatomy of the corps social presented in the Belgian population censuses (1846-1947 y.). Dissertation submitted in the partial fulfillment of the requirements for the degree Doctor in Sociology at Ghent University and for the degree Doctor in the Social Sciences. University Antwerpen (Belgium), 2015; Meolla F. Altered Civic Participation in the U.S. Census as a Dispute to the Myth of Equal Citizenship. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy, University of California, San Diego, 2017 ва б.

<sup>15</sup> Уалиева С. Семейно-брачные отношения в Казахстане в конце XIX-первой четверти XX века (по материалам переписей 1897, 1926 гг.) Дисс. канд. ист. наук. – Усть-Каменогорск, 2003.



мумкин. Улар демография, демография тарихи, миграция хусусиятлари, аҳоли бандлиги, рўйхатга олиш усуллари, аҳоли сони динамикаси, аҳолининг ижтимоий муаммолари ва аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг назарий ҳамда замонавий йўналишлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Қайд этилган тўрт гуруҳга кирувчи адабиётлар мазкур тадқиқот ишини ёритишда назарий асос сифатида хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотларда турли йилларда ўлка ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш юзасидан ўтказилган тадбирлар тўлиқ ўрганилмаган. Хусусан, совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафкуранинг ғоявий таъсири остида бўлганлиги учун бу масалалар ўзининг холис талқинини топмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ Ф-1-88-сонли “Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожланишида бағрикенглик тамойилларининг роли (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача)” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX асрнинг 30-йиллари Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср охири – XX асрнинг 30-йилларида дастлаб Туркистон ўлкасида кейинчалик эса, Ўзбекистон ССР ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўрганиш;

аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мустамлакачилик моҳиятини очиб бериш;

диний эътиқодга қаттиқ амал қилиб келган маҳаллий аҳоли орасида рўйхатга олиш тадбири юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни ёритиш;

Ўзбекистон ССРда ўтказиб келинган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига маҳаллий миллат вакилларининг муносабатини манбалар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Россия империяси ва совет ҳукумати ҳукмронлиги йилларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида масъул ходимларнинг иштирокини тавсифлаш;

мустақиллик йилларигача архивларда ушбу тадбирларни ёритувчи “махфий” ва “қатъиян махфий” муҳри остида сақлаб келинган ҳамда илмий муомалага киритилмаган маълумотларни таҳлил қилиш;

---

<sup>16</sup> Жиромская В.Б. Население России по переписи 1939 годах. // Всесоюзная перепись населения 1939 года. - Москва, 1999; Халид А. Туркестан в 1917-1922 годах: борьба за власть на окраине России // Трагедия великой державы: национальный вопрос и распад Советского Союза. – Москва, 2005; Статья была опубликована в «Вестнике Орловского государственного университета». Серия: Новые гуманитарные исследования. - №2 (16) (март-апрель), 2011.

совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан кўзланган мақсадларни очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** XIX аср охири – XX асрнинг 30-йиллари Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** эса 1897-1939 йиллар оралиғида Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари, унинг мустамлакачилик моҳияти, тарғибот ишларининг олиб борилиши ва маҳаллий аҳолининг ушбу жараёнга бўлган муносабати билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёритишда тарихийлик, холислик тамойиллари, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, хронологик тизимли таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Россия империяси ҳукмронлиги йилларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан асосан учта: давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида, турли миллатга мансуб бўлган ортиқча аҳолини ўлканинг аҳолиси сони кам ҳудудларига жойлаштириш ва арзон ишчи кучи эвазига маҳаллий аҳоли меҳнатидан фойдаланиш мақсадлари кўзланганлиги очиб берилган;

совет даврининг дастлабки йилида (1917 йил) аҳолини рўйхатга олиш ишлари фақатгина қишлоқ ҳудудларида ўтказилганлиги, шу орқали аҳоли сонини, кўчириб келтирилиши лозим бўлган аҳолининг истиқомат қилиши учун унумдор ерлар ҳисобини аниқлаш ҳамда аҳоли тўғрисида йиғилган статистик маълумотлар асосида келгуси йиллар учун ғалла йиғими ҳажмини ошириш режалаштирилганлиги исботланган;

аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари аҳоли орасида етарли тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилмасдан бошланганлиги, мазкур тадбирга нисбатан маҳаллий аҳолининг ишончсизлиги ортиши ва аксарият рўйхатга олувчи ҳисобчиларнинг маҳаллий тилларни билмаганликлари, турли йиғим ва солиқларнинг оширилиши ҳақида миш-мишларнинг кўпайганлиги, ўғил фарзандларни мажбурий ишлаш ёки армия сафига олиб кетилиши мумкинлиги ҳақидаги кўрқув сабабли тўпланган статистик маълумотлар тўлиқ ақс этмаганлиги аниқланган;

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ишлари илк беш йиллик режаларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлганлиги, 1937 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижалари тан олинмасдан ҳукумат томонидан қатъиян рад этилиб, жараёнда иштирок этган масъул ходимлар жазоланганлиги, 1939 йилда ўтказилиши белгиланган рўйхатга олишга қаршилиқ қилган аҳолига нисбатан жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилиши натижасида ушбу кампания бошқаларига нисбатан самарали бўлганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи

фондларини янги маълумот ва экспозициялар билан тўлдиришда фойдаланилган;

1917-1937 йиллар оралиғида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ёритувчи архив хужжатлари ва бошқа бирламчи манба характеридаги маълумотларнинг аксарияти илк марта илмий муомалага киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот ишида тарих фанида бугунги кунда амалда фойдаланилаётган замонавий ёндашув ҳамда турли услубларнинг қўлланилганлиги, архив манбаларга бойлиги, хусусан, Ўзбекистон Миллий Архивининг 5 та (И.1, И.25, И.269, И.86, Р.1619), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Фарғона вилояти бўлимининг 3 та (1, 109, 111), Фарғона вилояти давлат архивининг 3 та (216, 321, 477) фондлар материалларига асосланганлиги, бирламчи ҳисобланган статистик маълумотлардан фойдаланилгани, ушбу тадбирларни ёритувчи турли даврий матбуот нашрларига асосланганлиги, тарихий-қиёсий таҳлиллар асосида хулосаларнинг мавжудлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, диссертация маълумотларидан амалиётда фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Россия империяси ва совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мазмун-моҳияти, ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этишга, шунингдек, олинган илмий натижалар тарих, демография ва этнология фанларига оид методологик-услубий ёндошув ҳамда назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ республикаларининг Россия империяси ва совет даври тарихини ёритишда, бу борадаги тарихий билимларни янада ривожлантиришда, барча ўрта ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фанидан дарсликлар “Ўзбекистон тарихи”, “Демография”, “Этнодемография” каби фанларни, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа қўшимча адабиётлар яратишда ҳамда ўқув дастурларини қайта шакллантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири – XX асрнинг 30-йиллари Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тарихи масаласига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

совет даврининг дастлабки йилида (1917 йил) аҳолини рўйхатга олиш ишлари фақатгина қишлоқ ҳудудларида ўтказилганлиги, шу орқали аҳоли сонини, кўчириб келтирилиши лозим бўлган аҳолининг истиқомат қилиши учун унумдор ерлар ҳисобини аниқлаш ҳамда аҳоли тўғрисида йиғилган статистик маълумотлар асосида келгуси йиллар учун ғалла йиғими ҳажмини ошириш режалаштирилганлиги бўйича натижалардан Ўзбекистон

Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 15 апрелдаги 01/4-20-13/2-50-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасида илк мартаба 2023 йилда ўтказилиши белгиланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ташкил этишда ва келгусида бу каби жараёнларни ўтказиш учун йўл хариталарини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Россия империяси ҳукмронлиги йилларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан асосан учта: давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида, турли миллатга мансуб бўлган ортикча аҳолини ўлканинг аҳолиси сони кам ҳудудларига жойлаштириш ва арзон ишчи кучи эвазига маҳаллий аҳоли меҳнатидан фойдаланиш мақсадлари кўзланганлиги ҳамда тадқиқот ишида илгари сурилган илмий-назарий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги халқаро илмий-амалий конференциялар ва тадбирларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 14-07-611-сон маълумотномаси). Натижалар ушбу тадбирларни илмий асосда шакллантириш ва ташкил этиш имконини берган;

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ишлари илк беш йиллик режаларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлганлиги, 1937 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижалари тан олинмасдан ҳукумат томонидан қатъиян рад этилиб, жараёнда иштирок этган масъул ходимлар жазоланганлиги, 1939 йилда ўтказилиши белгиланган рўйхатга олишга қаршилик қилган аҳолига нисбатан жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилиши натижасида ушбу кампания бошқаларига нисбатан самарали бўлганлиги ва улар асосида олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи экспонатларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2021 йил 29 мартдаги 78-сон маълумотномаси). Натижаларининг қўлланилиши музейга ташриф буюрувчиларнинг совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССРда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг ўтказилиши ва унинг оқибатлари тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда тарихий билимларини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш эълон қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, жумладан, 11 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XIX аср охирида Туркистон аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг ўтказилиши ва унинг мустамлакачилик моҳияти”** деб номланган биринчи бобида Россия империяси ҳукмронлиги йилларида Туркистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг ўтказилиши, тадбир юзасидан олиб борилган тарғибот ишлари, ушбу тадбирларнинг маҳаллий аҳоли томонидан қандай кутиб олингани, юзага келган муаммолар, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларнинг мустамлакачилик моҳияти ҳамда ушбу тадбирлар бўйича олиб борилган амалий чора-тадбирлар ёритилган.

Жамият тараққиёти давомида аҳолини рўйхатга олиш жуда қадимдан бошланган бўлиб, хусусан, милoddан аввалги 2800, 2250 ва 2238 йилларда Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Ҳитойда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>17</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида ҳам аҳолини рўйхатга олиш жуда қадимдан мавжуд бўлиб, хўжаликлар рўйхати, эркаклар сони, бож олиш, урушларга эркакларни сафарбар этиш каби бир қатор мақсадларда рўйхатга олинган. Ўзбекистон ҳудудида аҳоли сони тўғрисидаги мунтазам статистик маълумотлар 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан бошлаб мавжуддир.

Бутунроссия аҳолисини рўйхатга олиш тўғрисидаги биринчи Низом 1895 йил 5 июнда император Николай II томонидан имзоланган<sup>18</sup> бўлиб, Россия империяси томонидан Бутунроссия ва унинг мустамлака ҳудудлари,

<sup>17</sup> Козлов И. Динамика численности народов. – Москва, 1969. – С.71; Демографический энциклопедический словарь. – Москва, 1985. – С.321.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎзМА), И.269-фонд, 1-рўйхат, 124<sup>а</sup>-йиғма жилд, 3-варақ.

хусусан, Туркистонда ҳам аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги буйруқ 1896 йил 27 ноябрда император Николай II томонидан тасдиқланади<sup>19</sup>. Аҳолини ёппасига ва махсус дастур асосида дастлабки расмий рўйхатга олиш жараёнлари эса 1897 йилда 28 январь (янги тақвим бўйича 9 февраль) ҳолатига кўра ўтказилди<sup>20</sup>. Ушбу дастлабки тадбир шаҳарларда 10 кун, қишлоқларда эса 20 кунда тугатилиши белгилаб қўйилди<sup>21</sup>. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки дастури турли миллат вакиллари учун 20 та тилда тузилган бўлиб, шу жумладан эски ўзбек тилида ҳам чоп этилди<sup>22</sup>. Бироқ, 1897 йилги тадбирда аҳолини рўйхатга олиш бўйича йўриқномалар ҳисобчиларга оғзаки тушунтирилиб, ушбу тадбир юзасидан расмий тарзда қўлларига бирон-бир тасдиқланган ҳужжат берилмади.

Россия империяси томонидан ўтказилган дастлабки аҳолини рўйхатга олиш тадбири тўғрисида рус сенатори К.К.Пален ўз ҳисоботида: "... аҳолини рўйхатга олиш тадбири Туркистоннинг қайси ҳудудида қанча аҳоли истиқомат қилишини аниқлаш ва аҳоли кам жойлашган ҳудудларга рус аҳолисини кўчириб келиш, ўлкадаги империя ҳукмронлигини тўла ўрнатиш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш учун ўтказилди<sup>23</sup>" - дея таъкидлайди. Шунингдек, Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олиш мақсадини, бу ерга русийзабон аҳолининг кўчирилиши сабабларини ҳамда 1897 йили илк бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан кўзланган мақсадларни ўз ҳисоботида қуйидагича ифодалайди: "Бу ўлка Россия империясига қўшилган кундан бошлаб рус ҳукуматини ушбу ҳудудга нисбатан уч томонлама манфаат қизиқтирган":

молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида;

мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан ортиқча аҳолини мазкур ҳудудга жойлаштириш;

арзон ишчи кучи эвазига маҳаллий аҳоли меҳнатидан фойдаланиш ва ўлкада доимий назорат олиб бориш<sup>24</sup>.

Архив манбаларидан маълум бўлишича, ўлка аҳолиси аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига тайёр бўлмаган, аниқроқ қилиб айтганда, мазкур тадбир нима учун ўтказилиши тўғрисида етарли даражадаги тушунчага эга бўлмаган. Туркистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирида фаол иштирок этган ҳисобчи Ф. Преображенский 1897 йилги тадбирни шундай хотирлайди: "... рўйхат бошланишидан аввал берилган барча фармойиш ва огоҳлантиришларга қарамай, бу тадбир ҳамма деҳқонлар назарида турли ижтимоий-иқтисодий оқибат ва ўзгаришларга сабаб

<sup>19</sup> Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. Общий сводъ по империи результатовъ разработки данных первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 года. Том I. – С.Петербург, 1905. – С.3.

<sup>20</sup> Ўша асар: – С.4.

<sup>21</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 430-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>22</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 432-йиғма жилд, 13-14 варақлар.

<sup>23</sup> Пален К. Материалы к характеристики народного хозяйства в Туркестане. Часть I. Отд. 4. – СПб., 1911. – С.408.

<sup>24</sup> Пален К. Материалы к характеристики народного хозяйства в Туркестане. Часть II. – СПб. 1911. – С.12.

бўладиган ревизиядек туюлди”. Шунга кўра, улар рўйхатга олинишдан жуда ҳайикдилар<sup>25</sup>.

Шундай бўлгани ҳолда, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан кўзланган мақсадлар бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилган, унда аҳоли тўлайдиган солиқларни оширишга ва мажбуриятларни кўпайтиришга хизмат қилмаслиги, асосий мақсад “аҳоли билан яқиндан танишиш ва уни ўрганишдан иборат” эканлиги тушунтирилган<sup>26</sup> бўлса-да, маҳаллий аҳоли орасида бу тадбирда асосан эркаклар рўйхатга олинади ва урушларга жалб этилади деган қарашлар кучли бўлган<sup>27</sup>.

Тошкент шаҳрида яшаган 95 ёшли И. Султоновнинг 1937 йилда 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг ўтказилиши тўғрисида берган маълумотида шундай дейлади: “Биз 1897 йили подшо замонида ўтказилган дастлабки аҳолини рўйхатга олиш тадбири нима мақсадда ўтказилаётганини яхши билардик. Ушбу тадбирдан сўнг болаларимизни (асосан эркакларни) аскарликка олиниши, молларимизни олиб қўйилиши, солиқларнинг оширилишини тадбир ўтказилиши эълон қилингандан сўнг маҳаллий аҳоли яхши тушуниб етган. Шу сабабли мен ҳам 4 нафар ўғлимни тоғга юбориб, ҳайвонларимни эса ҳеч ким кўрмайдиган жойга беркитиб қўйдим. Ҳисобчилар уйимга келиб мени, аёлимни ва 2 нафар қизимни рўйхатга олиб кетишди”<sup>28</sup>. Бундан ташқари, халқ орасида “аҳоли рўйхатини яна қанча қамоқхона очиш ва уларни қаерга очиш кераклигини билиш учун ўтказмоқдалар” деган турли мазмундаги гаплар ҳам тарқалган<sup>29</sup>. Шу сабабли ҳам, маҳаллий аҳоли рўйхатга олиш тадбирларига ишонмади ва тадбирга нафрат кўзи билан қаради. Жуда кўплаб маҳаллий аҳоли ҳисобчилар, эшонлар, муллалар ва бошқаларнинг тадбир юзасидан олиб борган ташвиқотларига қарамай, тадбирдан яшириниб, рўйхатга олинишдан қочиб ўрмонларга, тоғларга чиқиб кетиб беркиндилар, айрим жойларда эса динга қаттиқ ишонган маҳаллий аҳоли ўзини-ўзи ёндириб юборди<sup>30</sup>.

Россия ҳукумати 1897 йилги аҳолини рўйхатга олишни тўлиқ амалга ошириш ва белгиланган мақсадларга эришиш йўлидаги тадбирда фаол иштирок этган ихтиёрий ёрдамчиларни, жумладан, Қўқон уездидан – Мухаммад-исо Хасанбоев, Андижон уездидан – қишлоқ оқсоқоли Болтабой Аҳмедов, Тошкент шаҳридан – лейтенант В. Румянцев<sup>31</sup> каби бир қатор фуқаролар “1897 йил биринчи аҳолини рўйхатга олиш ишларида кўрсатган хизматлари учун” деган бронза ва кумуш эсдалик медаллари билан ҳам тақдирлади<sup>32</sup>.

<sup>25</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 636-йиғма жилд, 2-варақ.

<sup>26</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 1-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>27</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 12-рўйхат, 14-йиғма жилд, 17-варақ.

<sup>28</sup> Калхозда рўйхат // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 8 январь.

<sup>29</sup> Калхозда рўйхат // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 8 январь.

<sup>30</sup> Бугун бутун иттифок аҳоли рўйхати бошланди // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 8 январь.

<sup>31</sup> Пландовский В. Народная перепись. СПб. – Москва, 1898. – С.353.

<sup>32</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 2-йиғма жилд, 19-варақ.

Совет даврида нашр этилган бир қатор мақолаларда ҳам Россия империяси ўтказган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари жиддий танқидга учраганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Хусусан, “чор Россияси даврида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ташкил этишдан мақсад – “халқлар қамокхонасини ташкил этиш эди”<sup>33</sup>, дея Россия империя даврида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини қоралаб, совет ҳокимияти давридан бери ўтказиб келинаётган ушбу йўналишдаги жараёнларни эса ҳар томонлама мақтаган ҳолда оқлашга уриндилар.

Хуллас, бу даврда аҳоли тўғрисида йиғилган статистик маълумотларнинг барчаси жамиятни бошқаришда ҳукмрон доира вакиллари қўлидаги асосий куч ва дастуриламал вазифасини ўтади. Аҳоли ҳақида олинган маълумотлар асосида эса маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат ҳам қилинмади. Аҳолини рўйхатга олиш ишлари том маънода маҳаллий аҳолига нибатан империя ва совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда мустамлакачилик руҳидан келиб чиқиб ўтказиб борилди.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг ўтказилиши: кўзланган мақсадлар, рўйхатга олиш тартиби ва муддатлари (1917-1926 йиллар)”** деб номланган иккинчи бобида 1917 йил қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг ўтказилиши, 1920 йилда Туркистон АССРда ўтказилган рўйхатга олиш тадбири, мазкур тадбирлардан кўзланган бир қатор мақсадлар, Ўзбекистон ССРда илк бор ўтказилган 1926 йилги тадбирнинг рўйхатга олиш тартиби ва муддатлари, маҳаллий аҳолига тадбирларни ўтказиш бўйича тарғибот ва тушунтириш ишларининг олиб борилиши ҳамда ушбу тадбирлар юзасидан совет ҳукуматининг олиб борган сиёсати таҳлил қилинган.

1917 йилги қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олиш тадбири фақат Туркистон ўлкасидагина эмас, балки, Россиянинг ўзида ва бошқа мустамлака ҳудудларда ҳам ўтказилди<sup>34</sup>. Ушбу тадбирни ўтказишда иштирок этган рўйхатга олувчи ҳисобчиларнинг таъкидлашича, тадбир тартибсиз, белгиланган талаблар асосида ўтказилмаган ҳамда тадбир давомида кўплаб хатоликларга йўл қўйилган<sup>35</sup>. 1917 йил ноябрь ойида ўтказилган тадбирда фақатгина қишлоқ ҳудудлари аҳолиси рўйхатини шакллантириш билан чекланилган<sup>36</sup>. Шаҳар ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли эса мазкур жараёнга умуман жалб этилмаган<sup>37</sup>. 1920 йилда ўтказилган Бутунроссия VII Советлар съездида қабул қилинган “Бутунроссия аҳолисини рўйхатга олиш”

<sup>33</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 634-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>34</sup> Материалы Всероссийской переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 года. – Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1924. – С.4.

<sup>35</sup> Зарубин И. Население Самаркандской области: его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 года, дополненной другими источниками). – Ленинград, 1926. – С.13.

<sup>36</sup> Ўз МА, И.269-фонд, 1-рўйхат, 123<sup>а</sup>-йиғма жилд, 7-варақ.

<sup>37</sup> Ўз МА, И.269-фонд, 1-рўйхат, 125-йиғма жилд, 16-варақ.



тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарор<sup>38</sup> имзоланганидан сўнг бу тадбир ўтказилиши олдидан бўлиб ўтган йиғилишда РСФСР ХККлиги томонидан “1917 йил қишлоқ ҳудудлари аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари совет ҳокимиятининг барча қишлоқ ҳудудларида истикомат қилувчи аҳоли сонига умуман мос эмас, ушбу ўтказилган тадбир мутлақо талаб даражасида олиб борилмаган”лиги алоҳида таъкидлаб ўтилади<sup>39</sup>.

1917 йил ўтказилган тадбирга Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Каспийорти ва Ёттисув вилоятлари тасарруфига кирувчи уезд қишлоқлари танлаб олинган бўлса-да, бироқ, тадбир аксарият қишлоқларгача етиб бормаган<sup>40</sup>. 1917 йилги тадбирнинг якуний натижаларига кўра, Сирдарё вилоятида қишлоқ ҳудудлари аҳолиси сони 1339 минг нафар<sup>41</sup>, Фарғона вилоятида 1710 минг нафар<sup>42</sup>, Самарқанд вилоятида 632 минг нафар<sup>43</sup>, Каспийорти вилоятида 422 минг нафар ва Ёттисув вилоятида 1387 минг нафар<sup>44</sup>ни ташкил этган.

1920 йил РСФСРда ва унинг мустанлак ҳудудларида аҳолини рўйхатга олишнинг навбатдаги тадбири ўтказилди. Шу йилнинг ўзида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари Франция, Англия, Швеция, Швейцария, Австрия, Испания каби 15 дан ортиқ мамлакатлар ҳудудида ҳам ўтказилди<sup>45</sup>. РСФСР ХКК раиси В. Ленин 1920 йилги тадбирнинг якуний натижаларини “Совет республикасининг социалистик қурилиши учун бу жараённинг натижалари бирламчи ва мустанлак ҳудудлар учун эса бошқарувчи аҳамиятга эга” - дея алоҳида таъкидлаб ўтди<sup>46</sup>.

Туркистон АССР аҳолисини рўйхатга олиш учун умумий ҳисобда 5 720 000 мингдан ортиқ шахсий ҳисобга олиш варағи тайёрлангани ушбу тадбирнинг якуний натижалари чоп этилган тўпламларда келтириб ўтилади<sup>47</sup>. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига маҳаллий тилни билмайдиган кўплаб ҳисобчи, назоратчи-инструкторлар жалб этилса-да, унга кўшимча маҳаллий тилни, рус тилини, маҳаллий аҳолининг урф-одатини, ўлка ҳудудларини яхши билган маҳаллий тилмочлар ҳам бириктирилади<sup>48</sup>. Кўплаб русийзабон

<sup>38</sup> Центральное статистическое управление при Совете Министров СССР. Всесоюзная перепись населения – всенородное дело. – Москва, 1978. – С.19.

<sup>39</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 52-йиғма жилд, 8-варақ.

<sup>40</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 51-йиғма жилд, 16-варақ.

<sup>41</sup> Материалы Всероссийской переписи. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское население Сырдаринской области по материалам переписи 1917 года. – Ташкент: ЦСУ Туркестанской Республики, 1924. – С.142.

<sup>42</sup> Материалы Всероссийской переписи. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 года. – Ташкент: ЦСУ Туркестанской Республики, 1924. – С.24.

<sup>43</sup> Материалы Всероссийской переписи. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск II. Сельское население Сырдаринской области по материалам переписи 1917 года. – Ташкент: ЦСУ Туркестанской Республики, 1924. – С.214.

<sup>44</sup> Зарубин И. Население Самаркандской области его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 года, дополненной другими источниками). – Ленинград, 1926. – С.7.

<sup>45</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 636-йиғма жилд, 2-варақ.

<sup>46</sup> Ўз МА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 53-йиғма жилд, 4-варақ.

<sup>47</sup> Материалы Всероссийской переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. – Ташкент: Издания ЦСУ Туркестанской Республики, 1923. – С.5.

<sup>48</sup> Ўша асар: Часть III. – С.11.

ҳисобчилар эса тилмочларсиз ўзлари рўйхатга олиш ишлари билан шуғулланганликлари учун ҳам маҳаллий аҳоли вакилларига мазкур тадбир учун ишлаб чиқилган дастурнинг мазмуни ҳамда саволларни яхши тушунтириб бера олишмаган<sup>49</sup>. Бундан ташқари, 1920 йилги мазкур жараёни ўтказишда Фарғона водийсининг Андижон, Қўқон ва Наманган уездларида рўйхатга олиш варағи етишмаганлиги<sup>50</sup>, шу сабабли эса аксарият қишлоқ ва уезлар аҳолиси рўйхатга олинмаганлиги архив ҳужжатларида келтириб ўтилади.

1920 йил Туркистон АССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасида аниқланган статистик рақамлар ва бу тадбирларни ёритувчи қатор архив ҳужжатларида келтирилган маълумотлар таҳлили асосида қуйидаги мақсадлар режалаштирилганлиги аниқланди. Жумладан, Совет ҳукуматининг ўлкадаги ҳукмронлигини намойиш қилиш, уни янада мустаҳкамлаш, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини билиш, минтақа ҳудудида амалга оширилиши белгиланган ишларни Марказ мафаатларини кўзлаган ҳолда режалаштириш, Туркистон АССРдаги барча моддий, маданий ва табиий бойликларга эга бўлиш ҳамда маҳаллий аҳолининг арзон меҳнатидан фойдаланиш, демографик вазиятни ўрганиш ҳамда бу асосида келгуси йиллар учун белгиланган режалар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдан иборат бўлди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, 1926 йил декабрь ойида ўтказилиши белгиланган аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари юзасидан маҳаллий аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишлари аввалги тадбирларга нисбатан бирмунча кенгроқ олиб борилди. Бу йилга келиб мазкур йўналишдаги тадбирлар тўғрисида маҳаллий аҳолида тушунча ҳосил бўлган ва аввалги йилларда ўтказилган тадбирлардаги каби кучли кўрқув ва хадиксираш бўлмаган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш шахсий варағининг кўриниши ва унга киритилган саволлар МСБнинг 1925 йил 1 июлдаги 104-сонли бютенида эълон қилинди<sup>51</sup>. Тадбирни ўтказиш учун ўзбек ва рус тилларида 10 минга яқин катта эълон қоғозлари тайёрланиб, уларнинг аксарияти вилоятларнинг туманларига, уездларига ва катта қишлоқларга эълон қилиш учун юборилади<sup>52</sup>. 1926 йилги тадбирнинг тарғибот ишлари расман 1926 йилнинг 18 сентябрь кунидан бошланиб, шу йилнинг 30 ноябрига қадар давом этди<sup>53</sup>.

1926 йилги жараёнга рўйхатга олувчи ҳисобчи ва бошқа касб вакилларида олинган статистларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 14 277 нафар ходим жалб этилади<sup>54</sup>. Бу жараёни ёритувчи архив ҳужжатларида қайд этилишича, рўйхатга олиш ишларига қаршилик қилган маҳаллий аҳолига раҳбарлик қилган шахслар ҳам бўлган. Улар ҳукумат томонидан

